



Q A R O R I

“ 12 ” июнь 2020 у (г)

№ 6/55

Navoiy sh. Navoiy sh.

**Навоий вилоятида ташқи реклама
объектларига ташқи рекламани
жойлаштириш учун йиғимлар
миқдорини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий вилоятида ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдори 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган “Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом” билан Навоий вилоятидаги туман ва шаҳарларнинг ҳудудий зоналари коэффицентлари 2-иловага мувофиқ белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Туман ва шаҳар ҳокимлари 2020 йил 1 июлдан 2020 йил учун тузилган шартномалар бўйича мазкур қарор 1-иловасига асосан белгиланган йиғимлар миқдорига мувофиқ кўшимча келишувлар тузилишини таъминласин.

4. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ўзлари қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарор “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.


6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижроси юзасидан назорат халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Т.Ўринов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



К.Турсунов




Халқ депутатлари
Навоий вилояти Кенгашининг
2020 йил «12» июндаги
6/55 сонли қарорига
1-илова

**Навоий вилоятида ташқи реклама объектларига
(конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун
йиғимлар миқдори**

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар учун (бир ойга)
I. Ер участкаларида ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар			
1.1	кичик форматдаги (2,19 кв.м.гача)	1 кв.м	4 500
1.2	ўрта форматдаги (2,2 кв.м.дан 12 кв. м.гача)	1 кв.м	4 500
1.3	катта форматдаги (12 кв.м.дан 18 кв. м.гача)	1 кв.м	4 500
1.4	ўта катта форматдаги (18 кв.м.дан ортиқ)	1 кв.м	4 500
1.5	Ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	10 000
1.6	байроқли рекламалар тўплами (композиция)	1 кв.м	4 500
1.7	реклама модулларига эга кўрсаткичлар	1 кв.м	4 500
1.8	умумий майдони 3 кв.м.дан ортиқ афиша деворлар	1 кв.м	4 500
II. Бинолар, иншоотлар ва қурилмалардаги реклама конструкциялари			
2.1	бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар	1 кв.м	4 500
2.2	биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар — меъморий шакл (ҳайкаллар)	1 кв.м	4 500
2.3	майдони 2 кв.м ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар	1 кв.м	4 500
2.4	павильонлардаги конструкциялар	1 кв.м	4 500
2.5	кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиклар	1 кв.м	4 500
2.6	майдонли тўсиқлардаги конструкциялар	1 кв.м	4 500
2.7	кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тиргакларидан ўрнатилган конструкциялар	1 кв.м	4 500
2.8	маркизлар	1 кв.м	4 500
III. Ташқи реклама вақтинчалик объектлари (конструкциялари)			
3.1	қурилиш майдончаларидаги 2 кв.м ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари	1 кв.м	4 500
3.2	2 кв.м ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама	1 кв.м	4 500
3.3	вақтинча турдаги киосклар ва павилонлардаги реклама	1 кв.м	4 500
3.4	плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноplar, байроқлар, осма байроқлар, елканли байроқлардаги реклама	1 кв.м	4 500
3.5	ностандарт шаклдаги конструкциялар	1 кв.м	4 500
3.6	промоқурилмалар	1 кв.м	4 500

IV. Ёруғли-диодли мониторлар, электр экранлар (видео экранлар, югурувчи сатрлар дисплейлари ва бошқалар)			
4.1	50 кв.м.гача	1 кв.м	35 000
4.2	51 кв.м.дан 150 кв.м.гача	1 кв.м	30 000
4.3	151 кв.м.дан 300 кв.м.гача	1 кв.м	20 000
4.4	300 кв.м.дан ортиқ	1 кв.м	10 000
4.5	призматронлар	1 кв.м	10 000

Изоҳ: Ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини ҳисоблашда туман ва шаҳарларнинг ҳудудий зона коэффициентлари қўлланилади.



Халқ депутатлари
Навоий вилояти Кенгашининг
2020 йил « 12 » июндаги
6/55 сонли қарорига
2-илова

**Навоий вилоятидаги туман ва шаҳарларнинг худудий зоналар
коэффициентлари**

Т/р	Шаҳарлар ва туманлар номи	Йирик шаҳарлар			Туман марказ -лари	Халқаро аҳамиятга автомобиль йўллари	Қишлоқ -лар (посел- калар)	Қишлоқ жойлари
		I зона	II зона	III зона				
1.	Навоий шаҳри	2,4	2,2	2,0	-	0,7	-	-
2.	Зарафшон шаҳри	2,2	2,0	1,8	-	0,7	-	-
3.	Кармана тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
4.	Хатирчи тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
5.	Навбахор тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
6.	Нурота тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
7.	Қизилтепа тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
8.	Учқудуқ тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
9.	Конимех тумани				1,6	0,7	1,0	1,0
10.	Томди тумани				1,6	0,7	1,0	1,0